ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
«РАДИОПРЕПАРАТ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

НИШОНОВ ШЕРЗОДЖОН ЖУМАНАЗАРОВИЧ

^{153}Sm РАДИОИЗОТОПИ ВА УНИНГ ДОРИВОР ШАКЛИНИ ОЛИШ

01.04.01 –Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2018

УДК 542.543.61.615.616

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по техническим наукам

Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Нишонов Шерзоджон Жуманзарович
^{153}Sm радиоизотопи ва унинг доривор шаклини олиш……..... 3

Нишонов Шерзоджон Жуманазарович
Получение радионуклида ^{153}Sm и его лекарственной формы…… 22

Nishonov Sherzodjon Jumanazarovich
Preparation of radionuclide ^{153}Sm and its dosage form…… 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ……..... 47

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
«РАДИОПРЕПАРАТ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

НИШОНОВ ШЕРЗОДЖОН ЖУМАНАЗАРОВИЧ

^{153}Sm РАДИОИЗОТОПИ ВА УНИНГ ДОРИВОР ШАКЛИНИ ОЛИШ

01.04.01 –Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.4.PhD/T493 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ядро физикаси институти ва «Радиопрепарат» Давлат корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хужаев Саидахмад**
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Олимов Қосим,**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Сманова Зулайхо Асаналиевна,
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган Бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz.

Диссертацияси билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19.

Диссертация автореферати 2018 йил «___ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

Р. Ярмухамедов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

И. Нуритдинов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жахон миқёсида фан ва техниканинг, саноатнинг турли сохаларида ва айниқса тиббиёт сохасида радионуклидлардан фойдаланиш катта иқтисодий ва социал самара олиш имконини яратмоқда. Радиоизотопларни қўллаш кўламлари ва сохаларининг ортиши уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, номенклатурасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш хажмининг ортишини талаб этади. Радиоизотопларни ядро тиббиётида ташхис ва даволаш мақсадида ярим асрдан ортиқ қўлланилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, уларнинг радиофармпрепаратларда (РФП) қўллашда самарали ишлаши учун ўрнини ва кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди.

Жахон миқёсида радиоизотоплар ишлаб чиқариш саноатнинг мухим тармоғи хисобланиб, уларнинг йиллик ишлаб чиқарилган хажмининг 50% дан ортиғини тиббиёт сохасида ишлатиладиган радиофармпрепаратлар олиш учун сарфланади. Маълумки, таркибида β-нурланиш бўлган радиоизотоплар асосидаги остеотроп радиофармпрепаратларни паллиатив даволашда ишлатилиши йўлга қўйилган. Бундай мухим ва истиқболли радиоизотоплар қаторига сўнгги пайтларда ҳам ташхис, ҳам даволаш воситасида қўлланилиб келинаётган самарий-153 (^{153}Sm) радиоизотопи ҳам киради. Самарий-153 радиоизотопи асосидаги радиофармпрепаратлар клиник амалиётда ревматоид артрит, суяк ўсмаси ва суяк метастазаси билан оғриган беморларни даволашда кенг қўлланилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда онкологик диспансерларда ташхис ва даволаш мақсадларида ишлатиладиган радиоизотоплар ва улар асосидаги радиофармпрепаратлар ишлаб чиқарилишига йўналтирилган экспериментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилган. Шундай радиофармпрепаратлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг ихтисослашган шифохоналарида суяк метастазаси билан оғриган онкологик беморларни даволашда муваффақиятли қўлланилаётган, ушбу тадқиқот иши доирасида яратилган, «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратини ҳам киритиш мумкин. Ўзбекистонда ^{153}Sm радиоизотопини ишлаб чиқариш технологиясини яратилиши халқаро фармакологик хужжатлар шартларига мос холдаги сифатли махаллий радиофармпрепаратлар ишлаб чиқарилишининг такомиллашишига олиб келди. Шу муносабат билан махсулот тан нархини камайтириш хамда импортдан воз кечиш мақсадида ^{153}Sm радиоизотопи асосида махаллий радиофармпрепарат ишлаб чиқариш ядро физикасининг, ядро кимёсининг ва ишлаб чиқариш технологиясининг долзарб вазифаси ҳисобланади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1] дастурларини бажаришда ядро тиббиётида қўлланиладиган радиоизотоплар, ҳамда улар асосида радиофармпрепаратлар олиш ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли Фармони «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

амалиётга тадбиқ этиш каби вазифалар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сонли «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларидаги, шунингдек ушбу фаолият сохаси билан боғлиқ бўлган бошқа хуқуқий хужжатлардаги вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ядро тиббиёти мақсадлари учун ^{153}Sm радиоизотопини ядро реакторларида олиш бўйича дунёнинг кўплаб олимлари, масалан хиндистонлик (N.Ramamoorthy, P.Saraswathy), россиялик (В.С.Скурудин, Г.Е.Кодина), покистонлик (M.M.Ishfaq, A.Mushtaq), америкалик (A.R.Ketring, M.F.Embree, G.J.Ehrhardt) ва бошқа мутахассислар катта миқдорда ишлар қилганлар. Бу ишларнинг барчасида ^{153}Sm радиоизотопи унинг ^{152}Sm га бойитилган намунасини ядро реакторида иссиқ нейтронлар билан нурлантириш йўли билан олинади.

^{153}Sm радиоизотопини унинг ^{152}Sm га бойитилган намунасини ядро реакторида иссиқ нейтронлар билан нурлантириб олиш, ^{153}Sm радиоизотопини ва унинг доривор кўринишини сезиларли даражада қимматлашишига олиб келади. Бундан ташқари, ^{153}Sm радиоизотопининг ярим емирилиш даври (46,2 соат) уни узоқ масофаларга етказиб берилишига чек қўяди, жумладан Ўзбекистон Республикасига ҳам.

Ўзбекистонлик олимлар (С.П.Гуреев, С.С.Хужаев, Л.Б.Нуштаева ва б.) нодир ер элементларининг баъзи радиоизотопларини, яъни ^{139}Ce ва ^{147}Pm ларни олиниши бўйича тадқиқотлар ўтказганлар.

Бизнинг ^{153}Sm радиоизотопи ва унинг доривор шаклини олишга бағишланган ишларимиз Ўзбекистонда биринчи марта бажарилган бўлиб, ^{153}Sm радиоизотопини унинг табиий изотопли намунасидан олиниши эса ишлаб чиқаришда сезиларли даражада маҳсулот тан нархининг арзонлашишига олиб келади. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ^{153}Sm радиоизотопи ва унинг доривор шаклини олиш қанчалик долзарблилигини хулоса қилиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ядро физикаси институтининг қуйидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилди: Ф-2.1.5 «Радиоизотопларнинг реакторда ва циклотронда олишнинг илмий асослари, уларнинг фазалар орасида эритмаларда, қаттиқ фазада тақсимланиш

қонуниятлари» (2003-2007); ФА-А14-Ф067 «Ядро реакторида $^{153}SmCl_3$ радиоактив препаратини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011).

Тадқиқотнинг мақсади ВВР-СМ русумли тадқиқот ядро реакторида ^{153}Sm радиоизотопини юқори радиокимёвий тозаликда олиш ва унинг асосида радиофармпрепарат олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

танланган суюқ катион ва анион алмашинувчи тизимлар ди-2-(этилгексил)ортофосфор кислота ва учламчи аминлар три-н-октиламин, метилдиоктиаминлар асосида экстракцион-хроматография усулидан фойдаланиб табиий самарийнинг изотоплари таркибидан ^{153}Sm радиоизотопини ажратиш;

ди-2-(этилгексил)ортофосфор кислота-минерал кислоталар, три-н-октиламин, метилдиоктиамин-тузлар тизимларида ^{153}Smнинг тақсимланиш қонуниятлари ва ^{153}Sm радиоизотопини хлорид холида ажратиш шартларини ўрганиш;

ишлаб чиқилган тизимларни ишлатган холда ^{153}Sm радиоизотопини ажратиш ва тозалашнинг самарали радиокимёвий схемасини яратиш;

^{153}Sm радиоизотопи ососида радиофармпрепарат олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ^{153}Sm радиоизотопи ва «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратидан иборат.

Тадқиқот предмети тақсимланиш коэффициенти, ажралиш омили, ^{153}Sm радиоизотопини олиш ва тозалаш радиокимёвий схемасини ишлаб чиқиш, олинган радиоизотопнинг фаоллиги, радиокимёвий тозалик ва олинган доривор шаклининг бошқа тахлилий кўрсаткичларини аниқлашни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотида экспериментал ядро физикасининг, радиокимёнинг, экстракция ва экстракцион хроматографиянинг радиокимёвий тизимларидан, олинган ^{153}Sm радиоизотопини ва унинг асосида ишлаб чиқилган радиофармпрепаратнинг активлигини, тозалигини (аналитик назорат) ўлчашда гамма-спектрометрия усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

^{153}Sm радиоизотопининг икки фазали ди-2-(этилгексил)ортофосфор кислота-минерал кислоталарда тақсимланиш қоидалари аниқланган;

^{153}Sm радиоизотопининг экстракцион-хроматография усулида учламчи аминларда (три-н-октиламин ва метилдиоктиамин) ўзини тутиш қоидалари аниқланган;

^{153}Sm радиоизотопини ажратиш ва тозалаш радиокимёвий схемаси яратилган;

^{153}Sm радиоизотопи асосида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» номли радиофармпрепаратини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ди-2-(этилгексил)ортофосфор кислота–HCl, три-ноктиламин–$LiNO_3$ ва метилдиоктиамин–$LiNO_3$ тизимларида ^{153}Sm радиоизотопини юқори тозаликда олиш технологияси схемаси яратилган;

юқори тозаликда олинган ^{153}Sm радиоизотопи асосида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» номли радиофармпрепаратини олиш ва аналитик таҳлил қилиш технологиялари ишлаб чиқилган, ишлаб чиқариш регламенти, фармакологик мақола ва фойдаланиш йўриқномалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар ва ўлчаш ускуналаридан фойдаланилганлиги, ишлаб чиқилган усуллар ҳар хил тадқиқотчилар ва лабораторияларда турли хилдаги экстрагентлардан фойдаланиб тозаланган бошқа нодир ер элеменлари радиоизотоплари билан солиштирилганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ВВР-СМ тадқиқот атом реакторида иссиқ нейтронлар оқимида самарийнинг табиий изотопли намунасини нурлантириб, яратилган усуллардан фойдаланиб уни бегона ифлосликлардан тозалаб, юқори тозаликдаги ^{153}Sm радиоизотопини олиш билан асосланади. Тадқиқот натижаларининг қиймати олинган патентлар, чет эл журналларида чоп этилган мақолалар, истеъмолчиларнинг тақризлари ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинган баённомаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти ишлаб чиқилган усуллар бошқа нодир ер элементлари радиоизотопларини ажратиб олиш, олинган радиоизотопни тахлил қилиш, улар асосида радиофармпрепаратлар яратиш, кимёвий усулларда асосий моддани аниқлаш, тайёр радиофармпрепаратни клиникагача ва клиникада синовдан ўтказишлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ^{153}Sm радиоизотопини олишнинг радиокимёвий технологияси ишланмасидаги олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган ^{153}Sm радиоизотопини тоза холда олиш ва унинг асосида радиофармпрепарат олиш технологияси ЎзР ФА ЯФИ «Радиопрепарат» давлат корхонасида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» номли радиофармпрепарати ишлаб чиқарилишида қўлланилди (ЎзР Фанлар академияси №2/1255-2341-сонли 30.08.2018 йилдаги хати). Олинган натижаларнинг қўлланиши онкологик касалликларни даволашда қўлланиладиган махаллий радиофармпрепаратлар рўйхатини кўпайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини берган;

^{153}Sm радиоизотопини олиш ва унинг асосида доривор шаклини олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интелектуал Мулк Агентлигининг ихтиро патенти олинган (IAP 04643, 2010 й.) ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Препарат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига қарашли Дори воситалари ва Тиббий техникани назорат қилиш Бош Бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган (17 июль 2015 йилда берилган № 00222/07/15-сонли гувохнома). Илмий натижаларининг қўлланиши асосида ҳозирги кунда кенг миқёсда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот Ўзбекистон Республикасининг шифохоналарида (В.В.Вохидов

номидаги Республика ихтисослашган хирургия маркази, Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази) ва МДҲ давлатларининг шифохоналарида (Украина «Изотоп» давлат ишлаб чиқариш корхонаси) муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та ҳалқаро ва республика илмий-амалий анжуманда мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 2 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тартиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий мақолалар ва тезислар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«^{153}Sm радиоизотопи ва унинг асосида радиофармпрепаратлар олиниши усуллари»** деб номланган биринчи бобида ^{153}Sm радиоизотопининг ажратиб олиш усуллари, яъни ион алмашиниш, экстракция, экстракцион хроматография ва тақсимланиш хроматографияси усуллари ва шу билан биргаликда ушбу радиоизотопнинг кўриб чиқилган усулларда назарий жихатдан қандай намоён бўлиши тавсифлари келтирилган. ^{153}Sm радиоизотопини ажратиб олиш, тозалаш ва унинг асосида радиофармпрепарат олиш радиокимёвий схемалари тахлил килинган ва кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг усуллари ва объектлари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни бажаришда керакли бўлган тажрибалар методикалари: экстракцион хроматография колонкаларини тайёрлаш; олинган ^{153}Sm радиоизотопини радиоактивлигини ўлчаш учун асбоблар (радиометрик ва спектрометрик) кўриб чиқилган, шунингдек назарий нурлантириш жараёнида ^{153}Sm радиоизотопининг ҳосил бўлиши келтирилган ва «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратини олиш ускуналари тасвирланган.

Диссертациянинг **«Экстракцион хроматография усулларида ^{153}Sm радиоизотопининг тақсимланиши қонуниятларининг тажриба тадқиқотлари»** деб номланган учинчи бобида экстракцион хроматография усулларида ^{153}Sm радиоизотопининг тақсимланиши қонуниятларининг тажриба тадқиқотлари ва ^{153}Sm радиоизотопини олинишининг радиокимёвий схемаси келтирилган. Бизнинг томонимиздан таклиф қилинган янги ёндашувларга мувофиқ радиоизотопларини экстракцион хроматографик усулида ажратиш жараёнларини математик тавсифлари, экстракцион хроматографик усулида фазалар аро моддаларнинг тақсимланиши самародорлиги, ўтказилган усулларда ликопчалар сонига боғлиқлик ёки назарий жихатдан ликопчалар қатлами ўлчамлари самарадорлиги (ЛҚЎС) кўриб чиқилган. Жумладан, Д2ЭГФК-минерал кислоталар усулида самарийни ажратиб олишда хроматографиялаш тезлиги, ишчи фазанинг кислоталилиги, экстрагентнинг концентрацияси, ювиш хроматографияси колонкаларининг геометрик параметрларининг самарадорликка таъсирлари ўрганилган.

Экстракцион хроматографиянинг самарадорлигига таъсир қилувчи колонкларнинг геометрик параметрларидан ташқари барча тажрибалар ўхшаш бўлган параметрли колонкаларда ўтказилди: Ø 9,5; 15 ва 20 мм; ишчи қатлам баландлиги 110÷250 мм; колонканинг эркин сиғими 10÷25 мл; стационар фаза сифатида фторопласт-4, о-ксилоле импрегнированланган 30% Д2ЭГФК ишлатилди (0,5 мл Д2ЭГФК эритмаси 1 грамм фторопласта-4 да). γ-квантлар NP-424L анализаторида ўлчаш орқали бажарилди.

Самарий ва европийни Д2ЭГФК-минерал кислоталар тизимидаги тажрибалар шартлари олдиндан статик экстракция усулидаги натижаларга асосланган холда танланди. Экстракция ажратиш воронкаларида хона температурасида (20-25°C) ёки термостат билан жихозланган чайқатгичларда олиб борилди.

1-жадвал

Sm ва Eunинг Д2ЭГФКнинг о-ксилолдаги 0,5 моль/л эритмаси билан хлорид кислотадаги статик экстракциясидаги тақсимланиш коэффициентлари

[HCl], моль/л	D(Sm)	D(Eu)	α
0,1	31,1 ± 2,8	60,7 ± 4,8	1,95
0,2	4,4 ± 0,31	8,6 ± 0,6	1,95
0,3	2,25 ± 0,2	4,39 ± 0,5	1,96
0,4	0,87 ± 0,08	1,69± 0,15	1,94
0,5	0,44 ± 0,03	0,86 ± 0,072	1,95
0,6	0,25 ± 0,02	0,49 ± 0,034	1,96
0,7	0,15 ± 0,01	0,29 ± 0,025	1,94
0,8	**0,10 ± 0,008**	**0,20 ± 0,02**	**2,0**
1,0	0,05 ± 0,004	0,09 ± 0,008	1,81
1,2	0,03 ± 0,001	0,05 ± 0,003	1,67

1-жадвалда Sm ва Eu нинг Д2ЭГФКнинг о-ксилолдаги 0,5 моль/л эритмаси билан хлорид кислотадаги статик экстракция натижалари келтирилган.

2-жадвалда Sm ва Eu нинг колонкадаги суюлтирилмаган Д2ЭГФКнинг хлорид кислотасининг концентрациясига боғлиқлик тақсимланиш коэффициентлари келтирилган.

Ушбу жадвалларда Sm и Eu нинг хисобланган ажралиш факторлари (α) ҳам келтирилган.

2-жадвал

Sm ва Eu нинг колонкадаги суюлтирилмаган Д2ЭГФКнинг хлорид кислотасининг концентрациясига боғлиқлик тақсимланиш коэффициентлари

[HCl], моль/л	D(Sm)	D(Eu)	α
0,1	>300	>500	-
0,2	194 ± 15,8	370 ± 33,0	1,91
0,3	81,3 ± 6,7	157 ± 14,0	1,93
0,4	34,0 ± 2,8	66,5± 5,5	1,95
0,5	17,5 ± 1,4	34,0 ± 2,8	1,94
0,6	10,1 ± 0,7	19,7 ± 1,5	1,95
0,7	5,83 ± 0,4	11,4 ± 0,8	1,96
0,8	**4,2 ± 0,3**	**8,3 ± 0,6**	**1,98**
0,9	1,75 ± 0,1	3,4 ± 0,2	1,95
1,0	0,77 ± 0,06	1,48 ± 0,1	1,92

Sm ва Eu нинг экстракцион ва экстрацион хроматорафия усулларида Д2ЭГФКнинг хлорид кислотасининг сувли фазалари боғлиқлик тақсимланиш коэффициентларининг график кўриниши 1- ва 2-расмларда кўрсатилган.

Олинган натижалар Д2ЭГФК тизимининг статик ва динамик усулларида хлорид кислотасинингн юқори концентрацияларида самарий ва европийнинг ажралиш факторлари кичик сонга эга эканлигини кўрсатади.



1-расм. Sm ва Eu нинг Д2ЭГФКнинг о-ксилолдаги 0,5 моль/л эритмасидаги тақсимланиш коэффициентларининг хлорид кислотаси концентрациясига боғлиқлиги

Жадваллардан кўриниб турибдики экстракция усулида Sm ва Eu нинг хлорид кислотасининг 0,8 моль/л коцентрациясида ажралиш фактори бошқаларига нисбатан катта сонга эга.



2-расм. Sm ва Eunинг суюлтирилмаган Д2ЭГФКдаги тақсимланиш коэффициентларининг хлорид кислотаси концентрациясига боғлиқлиги

Статик усулда хлорид кислотасининг 0,4 М концентрациясидан кейин радиоизотопларнинг тақсимланиш коэффициентлари 1,0 дан кичик. Хлорид кислотасининг концентрациясини тушириш тақсимланиш коэффициентларини кўтарилишига олиб келади.



3-расм. Sm ва Eu 0,5 моль/л Д2ЭГФКли колонкадан хлорид кислотасининг 0,8 моль/л эритмаси билан ювилиши

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, Sm,Eudан 0,5 моль/л Д2ЭГФКли колонкадан хлорид кислотасининг 0,8 моль/л эритмаси билан 30 мл ювилиши орқали тўлиқ ажралади. Тажрибалар кўрсатдики элементларнинг ювилиши ювиш тезлигига боғлиқ. Хроматографик колонкадан элементларни ювиш тезлиги қанча секин бўлса элементларнинг ювилиб ажралиши ҳам шунча тўлиқ бўлади. Ювиш тезлигининг қулайроғи 0,5–1,0 мл/мин эканини кўрсатди.

3- ва 4-жадвалларда Sm ва Eunинг динамик экстракцион хроматографик усулида концентрланган три-н-октиламин (ТОА) ва метилдиоктиламин (МДОА) ларда ювиб олувчи концентрациясига боғлиқ тақсимланиш коэффициентлари келтирилган. Ювиб олувчи сифатида ишқорий металл тузининг эритмаси $LiNO_3$ қўлланилди.

Тадқиқотлар ТОА ва МДОАлар билан импрегнированланган фторопластом-4 лик ушбу ишчи параметрли хроматографик колонкаларда бажарилди: Ø 5 мм; сорбент қатлами баландлиги – 175 мм; колонканинг эркин ҳажми – 2,3 мл; колонкадаги қўзғалмас фаза ҳажми – 0,7 мл 1 грамм тефлонпудрасига 0,5 мл нисбатда; мобил фазанинг тезлиги 0,96 мл·см$^{-2}$·мин$^{-1}$. Олинган натижалар 3- ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

ТОА ли колонкадаги Sm ва Eu нинг $LiNO_3$ концентрациясига боғлиқ тақсимланиш коэффициентлари

[$LiNO_3$], М	D(Sm)	D(Eu)	α
1,0	0,05 ± 0,006	0,03 ± 0,002	1,66
2,0	0,15 ± 0,01	0,07 ± 0,008	2,14
3,0	**0,37 ± 0,02**	**0,17 ± 0,01**	**2,18**
4,0	1,0 ± 0,06	0,48 ± 0,03	2,08
5,0	2,7 ± 0,1	1,3 ± 0,08	2,07
6,0	5,7 ± 0,5	2,8 ± 0,2	2,03

4-жадвал

МДОА ли колонкадаги Sm ва Eu нинг $LiNO_3$ концентрациясига боғлиқ тақсимланиш коэффициентлари

[$LiNO_3$], М	D(Sm)	D(Eu)	α
1,0	0,08 ± 0,009	0,07 ± 0,008	1,14
2,0	0,28 ± 0,02	0,22 ± 0,01	1,27
3,0	0,96 ± 0,06	0,52 ± 0,04	1,65
4,0	**3,2 ± 0,5**	**1,4 ± 0,1**	**2,28**
5,0	8,2 ± 0,5	3,6 ± 0,2	2,27
6,0	17,3 ± 1,5	7,7 ± 0,5	2,25
7,0	33,7 ± 2,3	15,1 ± 1,0	2,23
8,0	65,6 ± 5,2	29,6 ± 2,1	2,21



4-расм. ТОА даги Sm ва Eu нинг тақсимланиш коэффициентларининг $LiNO_3$ концентрациясига боғлиқлиги

Sm и Eunинг ТОА–$LiNO_3$ и МДОА–$LiNO_3$ тизимларидаги экстракцион хроматографиясининг график кўринишлари 4- ва 5-расмларда кўрсатилган.



5-расм. МДОАдаги Sm ва Eunинг тақсимланиш коэффициентларининг $LiNO_3$ концентрациясига боғлиқлиги

3-4-жадваллардан ва 4-5-расмлардан кўринадики ювиб олувчининг тўйинган сувли эритмасида Sm ва Eunинг тақсимланиш коэффициентлар бир неча ўн баробар ортади, демак ТОА ва МДОАларни самарийни ажратиш ва тозалашда ишлатилса бўлади. 4-жадвалдан кўринадики МДОАда ТОАга нисбатан Sm ва Eu радиоизотопларининг тақсимланиш коэффициентлари каттароқ. МДОА SmваEuни 3-4 марта яхшироқ экстракциялайди.



6-расм. ТОАли колонкадан Sm ва Euни $LiNO_3$ эритмалари билан ювилиши



7-расм. МДОА/ФТ-4ли колонкадан Sm ва Eu нинг 4,0 М $LiNO_3$ нинг сувли эритмаси билан ювилиши

Расмлардан кўринадики элементлар тўлиқ ажралган. Тажрибалар шуни кўрсатдики элементларнинг ювилиши ювиш тезлигига боғлиқ 0,5-1,0 мл/мин. МДОА–$LiNO_3$ хроматографик усули Sm ва Eu ажратишга тадбиқ қилинди ва ^{153}Sm радиоизотопини охирги тозалаш ишларида қўлланилди.

Олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ^{153}Sm радиоизотопини олиш учун ТОА–$LiNO_3$ва Д2ЭГФК–HCl тизимларидан кўра МДОА–$LiNO_3$ тизимини қўллаган холда радиокимёвий схемасини тузиш мумкин.

8-расмда МДОА–$LiNO_3$ тизимидан фойдаланган холда олинган ^{153}Smрадиоизотопининг гамма спектри ва расшифровкаси келтирилаган.

9-расмда МДОА–$LiNO_3$ тизимидан фойдаланиб, ^{153}Sm радиоизотопини хлорид холатида олиш радиокимёвий схемаси келтирилган.



8-расм. Тозалаб олинган ^{153}Sm радиоизотопининг гамма спектри ва расшифровкаси



9-расм. ^{153}Sm радиоизотопини хлорид холатида олинишининг радиокимёвий схемаси

Диссертациянинг **««Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг олиниши»** деб номланаган тўртинчи бобида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг олиниши ва унинг тахлилий назорати келтирилган. «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратини ишлаб чиқариш асбоби схемасига (10-расм) мувофиқ, олинган $^{153}SmCl_3$ га тайёрланган реагентни қўшиб тайёрланади.

Реагентни тайёрлаш: 645±5 мг оксабифор кислотаси (оксабис[этиленнтрило]-тетраметиленфосфоновая кислота – $C_8H_{24}N_2P_4O_{13}$) конуссимон 50 млли колбага солинади ва кетма кетликда 9,0 мл инъекция учун сув, 6,5±0,1 мл 1,0 М натрий гидроксиди, 60±1 мг натрий хлориди қўшилади ва секин аралаштирилади, химояланган боксга киритилади.



10-расм. $^{153}SmCl_3$ эритмаси ва «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратини олиш аппарати (Р-эритиш реактори, 1,2,3-дори воситаси учун флаконлар, K_1,K_2-конуссимон колбалар)

Препаратни тайёрлаш учун реакторнинг тортиш трубкасига (Р) реагент тайёрланган конуссимон колба K_1уланади ва вакуум канали йўли секин очилади (Кр1), бунда реагентнинг реакторга оқиш тезлиги 3-4 тмчи/секундни ташкил этади. Препаратни радиоактивлигини ўлчаш учун 0,5 мл миқдорда дори воситалари учун флаконга автоматик пипетка ёрдамида қуйилади. Тахлил натижаларига асосан қуйиш ўлчовлари ҳисобланади (МБк).

«Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратини аналитик тахлил қилиш корхонанинг норматив хужжати ВФС 42 Уз – 1585 – 2010 га мувофиқ қуйидаги характеристикалари бўйича бажарилади: эритманинг ташқи кўриниши, хақиқийлиги, эритманинг pH, ҳажмий активлиги, радиоизотопли аралашмалари, натрий оксабифорини аниқлаш, самарийни аниқлаш, натрий хлоридини аниқлаш, актив бўлмаган аралашмалар, стериллашга тажриба, ва радиокимёвий тозалиги.

Радиокимёвий тозалигини аниқлаш. 15х100 мм ўлчамли Kizelgel 5553 хроматографик пластинкага, бир тарафидан 15 мм қолдириб препарат томизилади (0,001 мл). Кейин нуқта қуритилади ва этанол:сув, 8:2 нисбатидаги эритмада 1 соат давомида хроматография қилинади. Олинган хроматограмма хона хароратида қуритилади ва икки тоионида полиэтилен лента билан ёпиштирилади. Препаратнинг адиокимёвий тозалиги 90,0 % дан

кам бўлмаслиги керак. Тажриба партиясида қилинган ^{153}Sm ва унинг асосида олинган радиофармпрепаратнинг радиокимёвий тозаликлари 11-12-расмларда кўрсатилган.



11-расм. ^{153}Sm радиоизотопининг радиокимёвий тозалиги гистограммаси (эритма $C_2H_5OH:H_2O$, 8:2 нисбатта)



12-расм. ^{153}Sm радиоизотопи асосидаги «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг радиокимёвий тозалиги гистограммаси (эритма $C_2H_5OH:H_2O$, 8:2 нисбатта)

5-жадвал

^{153}Sm радиоизотопи асосидаги «Самарий, ^{153}Sm окисабифор» радиофармпрепарат тажриба партиясининг тахлилий кўрсаткичлари (ВФС 42 Уз – 1585 – 2010 асосида)

Кўрсаткичлар	Тажриба партия №1	Тажрибапартия №2	Тажрибапартия №3
Эритма ташқи кўриниши	Шаффоф	Шаффоф	Шаффоф
Ҳажмий активлиги, мКи/мл	7,2	22,8	38,4
pH препарата	6,8	6,1	5,5
Радиоиотопли тозалиги, %	99,99	99,99	99,99
Радиокимёвий тозалиги, %	99,7	99,4	99,6
Самарий миқдори,мкг/мл	32 ± 3,0	55 ± 5,1	87 ± 6,2
Натрий хлорид миқдори, мг/мл	5,1 ± 0,2	5,4 ± 0,2	5,0 ± 0,2
Натрий оксабифори миқдори, мг/мл	23,6 ± 1,1	18,2 ± 0,9	20,5 ± 1,0
Стериллашга текшириш	стерилланган	стерилланган	стерилланган

Кўрсатилган усулда (12-расм) хроматографияланган самарийнинг бирикмаган комплекси R_f=0,97±0,1 ташкил қилади, самарийнинг оксабифор билан қилган комплекси гистограмманинг бошланишида қолади. Хроматограмма участкаларидаги комплекс ҳосил қилган активликнинг миқдорий тақсимланиши ва барча хроматограмма радиометрик усулда ўлчанади.

Диссертациянинг **««Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг клиникагача ва клиника синовлари»** деб номланган бешинчи бобида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг клиникагача ва клиника синовлари натижалари келтирилган. «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратини лаборатория синовидан ўтказиш, дори воситаларини доклиник синовидан ўтказиш хавфсизлиги йўриқномасига (Тошкент, 2000 йил) асосан амалга оширилди. Лаборатория синовлари (2008 йил) қуйидаги характеристикаларни бахолаш бўйича ўтказилди:

- «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг зарарсизлигини тажрибавий бахолаш (ўткир ва сурункали зарари).
- Препаратнинг функционал яроқлилиги бўйича тажриба тадқиқотлари.

Препаратни ўткир ва сурункали зарари оғирлиги 140-160 гр. бўлган (Вистар зотли) 60 та каламушларда ўтказилди.

«Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратини каламушлар аъзоларида биологик тақсимланиши тадқиқотлари натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Ичга юборилган «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратининг каламушлар аъзоларида тақсимланиши, % ва турли вақтларда

Аъзо	Вақтлар			
	Через 30 мин	Через 60 мин	Через 24 часа	На 4 сутки
Қон	2,56 ± 1,10	2,11 ± 0,58	0,61 ± 0,35	0,12 ± 0,05
Жигар	0,83 ± 0,35	1,56 ± 0,72	0,51 ± 0,10	0,46 ± 0,13
Суяк	**14,13 ± 3,84**	**8,37 ± 1,25**	**4,84 ± 1,12**	**2,12 ± 0,01**
Буйрак	6,24 ± 1,54	5,41 ± 0,80	1,09 ± 0,09	0,48 ± 0,09

Жадвалдан кўиниб турибдики, «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препарати ичга киритилгандан 30 минутдан сўнг қайта тақсимланиш рўй беради ва асосий қисми суяк сохасида йиғилади.

Шундай қилиб, «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратини ўткир ва сурункали зарарини ўрганишга асосланиб ўтказилган лаборатория синовларидан аниқландики, у лаборатория хайвонлари аъзоларида ҳеч қандай патологик ва биохимик ўзгаришларга олиб келадиган зарарлар келтирмади. Тадқиқотлар препаратни функционал яроқлилигида асосий миқдор суяк тўқималарида йиғилиши орқали тасдиқланди. Бундай фармакокинетика препаратнинг яроқлилик даври (4 кун) мобайнида сақланиб қолди. «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препарати ўзининг мўлжалланган йўналиши бўйича кейинги клиник синовларга тавсия қилинди.

Клиник синовлар академик В. В. Вохидов номидаги Республика Ихтисослаштирилган Хирургия Марказида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Дори воситалари ва тиббий техникани назорат қилиш бош бошқармаси тасдиқлаган №СМР.66/12.0/52.Уз.2009/66-сонли баённомага мувофиқ бажарилди.

Синов мақсади «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратини анальгетик таъсирларини ўрганиш билан биргаликда унинг суяк тўқималари метастазаси ўсишини тўхтатиши ҳам кўриб чиқилди ва ядро тиббиётида қўллашга тавсия қилишдан иборат бўлди.

Клиник синовларда иштирок этиш учун суяк метастазаси билан оғриган беморлардан 20 киши ўзларининг ёзма розиликлари билан танлаб олиндилар ва уларга препаратнинг қўшимча таъсирлари ҳақида маълумотлар берилди. Барча беморлар суяклари олдиндан Тс^{99m}, технефор препарати билан сканер қилиб олинди ва қонлари умумий, биокимёвий тахлил қилиб олинди.

Ўтказилган клиник синовлардан 2 хафта ва 3 ойдан кейин қон тахлиллари яна текширилди. Селет суяклари даволашгача, 1,5 ой ва 3 ойдан кейин сканер қилинди.

Барча беморларга (олдиндан скелет суяклари сканер қилиниб, умумий ва биокимёвий қон тахлилларидан кейин) «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препарати бемор танасининг 1 кг оғирлигига 37 МБк дозадан ангиокатетер орқали 400 мл физиологик эритма билан ичга юборилди.

«Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препаратининг тақсимланиши ва йиғилиши Mediso фирмасининг икки детекторли гамма камераси ёрдамида препарат юборилгандан кейиноқ, 6 соатдан кейин ва 24 соатдан кейин бутун танани сканер қилиш орқали кузатиб борилди. «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препарати юборилган бемор шифохона палатасида 1 метр узоқликда гамма нурланишларни ўлчаш орқали назоратда бўлдилар.

«Самарий, ^{153}Sm оксабифор» препарати метастатик нукталарга актив йиғилиб оғриқ қолдириши билан яхши самаралар берди. Бунда 90% беморларда оғриқ қолиши вақти 6 ойдан юқори бўлган вақтларгача давом этди. Қуйида 13-14-15-расмларда клиник синов ҳисоботидан олинган мисоллар келтирилган.



13-расм. Бемор А, (1958 й.т.) даволашгача ^{99м}Тс технефор билан (А), «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепарати билан 1,5 ойдан кейин (В), 3 ойдан кейинги (С) танасининг сканерлари



14-расм. Бемор Д, (1958 й.т.) «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепарати билан даволашгача (А), 1,5 ойдан кейин (В), 3 ойдан кейинги (С) танасининг сканерлари

15-расм. Бемор Ю, (1948 й.т.) «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепарати юборилган пайти, 6 соат, 24 соатдан кейинги танасининг сканерлари



16-расм. «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг метастатик тўқималарда йиғилиши



17-расм. «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг бемордан 1 метр узоқликдан гамма-квантлари нурланишини ўлчови

Шундай қилиб «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг суяк метастазасининг ўсишини тўхтатиши, уларнинг сонини камайтириши ва йиғилиши интенсивлигини камайтиришда самарадорлиги исботланди. Радиоизотопли даволашда суяк метастазаси билан оғриган беморларда оғриқ синдроми босилишига олиб келди, 90% беморлар 3 ойлик вақт ичида оғриқ қолдирувчи дори воситаларидан воз кечдилар. Ўтказилган даволанишдан кейин беморларнинг хаёт сифатининг яхшиланиши бизнинг маълумотларга мувофиқ ўсди.

Клиник синовлардан мувоффақиятли ўтган «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепарати кенг қўлланилишга тавсия этилди. Препарат Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилди (2010 йил 11 майда берилган № 10/141/6-сон гувохнома, 2015 йил 17 июлда янгиланган № 00222/07/15-сон гувохнома).

ХУЛОСА

«^{153}Sm радиоизотопи ва унинг доривор шаклини олиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси тадқиқотларидан келиб чиққан холда қуйидаги хулосалар келтирилди:

1. Ди-2-(этилгексил) ортофосфор кислотаси ва минерал кислоталар эритмалари орасида ^{153}Sm радиоизотопининг икки фазали тақсимланиши қонуниятлари аниқланди.

2. Экстракцион хроматография усулида учламчи аминлар три-н-октиламин ва метилдиоктиламинларда ^{153}Sm радиоизотопининг ўзини тутиши қонуниятлари аниқланди.

3. ^{153}Sm радиоизотопини ажратиш ва тозалаб олиниши радиокимёвий схемаси яратилди ва амалиётга тадбиқ қилинди.

4. ^{153}Sm радиоизотопи асосида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» номли радиофармпрепарати олинишининг технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Ушбу тадқиқотнинг натижалари асосида «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепаратининг олиниши технологияси Ядро физикаси институти қошидаги «Радиопрепарат» давлат корхонасида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган. Ҳозирги кунда ушбу технология асосида ишлаб чиқарилаётган «Самарий, ^{153}Sm оксабифор» радиофармпрепарати Ўзбекистон Республикаси клиникаларида мувафақиятли қўлланилиб келинмоқда ва чет давлатлардаги клиникаларга ҳам етказиб берилмоқда.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ, АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ

ГП «РАДИОПРЕПАРАТ»

НИШОНОВ ШЕРЗОДЖОН ЖУМАНАЗАРОВИЧ

ПОЛУЧЕНИЕ РАДИОНУКЛИДА ^{153}Sm И ЕГО ЛЕКАРСТВЕННОЙ ФОРМЫ

01.04.01 – Приборы и методы экспериментальной физики

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2017.4.PhD/T493.

Докторская диссертация выполнена в ГП «Радиопрепарат» при Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научныйруководитель:	**Хужаев Саидахмад,** кандидат химических наук, старщий научный сотрудник
Официальные оппоненты:	**Олимов Косим,** доктор физико-математических наук, профессор
	Сманова Зулайхо Асаналиевна, доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Разового научного совета на базе Научного совета DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 при Институте ядерной физики, Астрономическом институте, Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, пос.Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289-31-18; факс: (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100214, г.Ташкент, поселок Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289-31-19).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2018 г.).

М.Ю. Ташметов,
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Р. Ярмухамедов,
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

И. Нуритдинов,
председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время использование радионуклидов в различных областях науки, техники, промышленности и особенно в ядерной медицине обеспечивает получение значительного экономического и социального эффекта в мире. Рост масштабов и сфер применения радионуклидов требует улучшения качественных показателей, расширения номенклатуры радионуклидной продукции и увеличения объема её производства. Более чем полувековой опыт применения радионуклидов в ядерной медицине для диагностики и терапии позволил определить их место и основные показатели, при которых использование радиофармпрепаратов (РФП) является эффективным.

Во всем мире производство медицинских радиофармацевтических препаратов превратилось в важную отрасль индустрии, на которую приходится более 50% годового производства радионуклидов. Активно развивается направление паллиативной радионуклидной терапии с применением остеотропных радиофармпрепаратов, содержащих β-излучающие радионуклиды. К номенклатуре важных и перспективных радионуклидов относится и радионуклид самарий-153 (^{153}Sm), который в последнее время широко используется в ядерной медицине в качестве, как и диагностического, так и терапевтического средства. Препараты на основе радионуклида ^{153}Sm нашли широкое применение в клинической практике при лечении онкологических больных с ревматоидным артритом, опухолями и метастазами кости.

В настоящее время в Узбекистане уделяется большое внимание развитию экспериментальных исследований по получению радионуклидов и радиофармпрепаратов на их основе для их использования в онкологических клиниках в диагностических и терапевтических целях. В число таких радиофармпрепаратов входит разарботанный в рамках настоящей диссертационной работы «Самарий, ^{153}Sm оксабифор», который успешно применяется в специализированных клиниках Республики Узбекистан в качестве терапевтического средства для лечения онкологических больных с костными метастазами. Необходимость разработки технологий производства радионуклида ^{153}Sm в Узбекистане обусловлена тем, что по мере развития техники и совершенствования отечественных радиотерапевтических методик Республики, становится очевидной необходимость улучшения качества препаратов, заложенных в зарубежных фармакопейных статьях. В связи с этим, разработка отечественного радиофармацевтического препарата на основе ^{153}Sm с целью снижения себестоимости продукции и отказа от импорта является приоритетной задачей прикладной ядерной физики, радиохимии и технологии производства. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти

приоритетным направлениям на 2017–2021 гг.[1] определены задачи для выполнения программы по разработке и внедрению технологии получения радионуклидов и радиофармпрепаратов на их основе, используемых в области ядерной медицины.

Данное диссертационное исследование в определённой степени соответствует задачам, обозначенным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 г. и № УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» от 7 ноября 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. По получению ^{153}Sm в ядерных реакторах для целей ядерной медицины многими учеными мира, например: индийскими (N.Ramamoorthy, P.Saraswathy), российскими (В.С.Скурудин, Г.Е.Кодина), пакистанскими (M.M.Ishfaq, A.Mushtaq), американскими (A.R.Ketring, M.F.Embree, G.J.Ehrhardt) и другими специалистами проведен большой объем работ. Во всех этих работах ^{153}Sm получают путем облучения образцов обогащенного самария по изотопу ^{152}Sm в ядерных реакторах тепловыми нейтронами.

Получение радионуклида ^{153}Sm путём облучения обогащенного изотопа ^{152}Sm приводит к значительной дороговизне, как самого радионуклида ^{153}Sm, так и его лекарственной формы. Кроме того, малый период полураспада радионуклида ^{153}Sm (46,2 часа) ограничивает его транспортировку на дальние расстояния, в частности в Республику Узбекистан.

Узбекские ученые (С.П.Гуреев, С.С.Хужаев, Л.Б.Нуштаева и др.) проводили эксперименты по получению радионуклидов некоторых редкоземельных элементов, таких как ^{139}Ce и ^{147}Pm. Также были выполнены работы по анализу радионуклидов редкоземельных элементов с применением радиохимических методов их разделения.

Работы, посвященные получению радионуклида ^{153}Sm и его лекарственной формы в Узбекистане выполнены нами впервые, а получение радионуклида ^{153}Sm из природного изотопного состава позволяет значительно снизить себестоимость его производства. Все выше сказанное, позволяет сделать заключение об актуальности проблемы получения радионуклида ^{153}Sm и его лекрственной формы.

---

[1]Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 07 февраля 2017 г.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов Института ядерной физики по темам: № Ф-2.1.5 «Поведение радиоактивных нуклидов в растворах, твердых фазах, закономерности их распределения между фазами и научные основы получения реакторных и циклотронных радионуклидов» (2003–2007); № ФА-А14-Ф067 «Разработка технологии получения радиоактивного препарата $^{153}SmCl_3$ на ядерном реакторе» (2009–2011).

Целью исследования является разработка радиохимической технологии получения радионуклида ^{153}Sm на реакторе ВВР-СМ с высокой радионуклидной чистотой и радиофармацевтического препарата на его основе.

Задачи исследования:

разработка эффективных экстракционно-хроматографических методик выделения ^{153}Sm из оксида самария природного изотопного состава в системах с жидкими катионо- и анионообменниками, в качестве которых были выбраны ди-2-(этилгексил)ортофосфорной кислоты (Д2ЭГФК) и третичные амины три-н-октиламин (ТОА), метилдиоктиамин (МДОА);

изучение закономерностей распределения ^{153}Sm в системах Д2ЭГФК-минеральные кислоты, ТОА, МДОА-высаливатель и условий разделения и выделения радионуклида ^{153}Sm в форме хлорида;

разработка эффективной радиохимической схемы выделения и очистки ^{153}Sm с использованием разработанных систем;

разработка технологий получения радиофармацевтического препарата на основе радионуклида ^{153}Sm.

Объектом исследования являются радионуклид ^{153}Sm и радиофармацевтический препарат «Самарий, ^{153}Sm оксабифор».

Предметом исследования являются коэффициенты распределения, фактор разделения, радиохимическая схема получения и очистки радионуклида ^{153}Sm, активность полученного радионуклида, радиохимическая чистота, и другие аналитические показатели разработанного радиофармацевтического препарата.

Методы исследований. Экстракционный и экстракционно-хроматографический методы исследования радиохимических систем, гамма-спектрометрический метод измерения активности, методы анализа радиохимической чистоты.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

установлены закономерности распределения радионуклида ^{153}Sm в двухфазных системах Д2ЭГФК-минеральные кислоты;

определены закономерности экстракционно-хроматографического поведения ^{153}Sm в системах с третичными аминами (три-н-октиламин и метилдиоктиламин);

разработана радиохимическая схема выделения и очистки радионуклида ^{153}Sm;

разработана технологическая схема получения радиофармацевтического препарата на основе радионуклида ^{153}Sm под названием «Самарий, ^{153}Sm оксабифор».

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

разработана технологическая схема получения радионуклида ^{153}Sm высокой радионуклидной чистоты в системах Д2ЭГФК–HCl, TOA–$LiNO_3$ и МДОА–$LiNO_3$;

разработаны технология получения радиофармпрепарата на основе высокочистого ^{153}Sm под названием «Самарий, ^{153}Sm оксабифор», регламент производства, фармакопейная статья и инструкция по применению.

Достоверность результатов исследования обосновывается проведением экспериментальных исследований с применением современных методов и средств измерений, сравнительным анализом разработанных методик с использованием других систем для очистки радионуклидов редкоземельных элементов разными экстрагентами, проведением параллельных анализов и сопоставлением данных различных исследователей и лабораторий.

Научная и практическая значимость результатов исследования. Научная значимость результатов определяется полученными высокочистыми радионуклидами ^{153}Sm, облучением тепловыми нейтронами самария природного изотопного состава в исследовательском атомном реакторе ВВР-СМ и очистка его от присутствующих примесей. Ценность данной диссертации подтверждается полученными патентами, опубликованными материалами в международных изданиях, отзывами от потребителей и актами внедрениями.

